

“ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”: ХУСУСИЯТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Исаджанов Абдували Абдурахимович –
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Ислом иқтисодитети ва молияси,
зиёрат туризми” кафедраси, и.ф.д.

Аннотация: Мақолада БМТнинг «Барқарор ривожланиш» концепциясининг мазмун-моҳияти, Ўзбекистонда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикландиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш мақсад ва вазифалари ёритилган. Алоҳида эътибор “Яшил” иқтисодиётни шакллантириш, “яшил” ўсиш ва ривожланишни рағбатлантиришга қаратилган.

Калит сўзлар: барқарор ривожланиш, “яшил” иқтисодиёт, “яшил” ўсиш, эко-инновация, янги ривожланиш модели, кам углеродли иқтисодиёт. барқарор тараққиёт мақсадлари.

Аннотация: В статье рассматриваются особенности и содержание Концепции устойчивого развития ООН, углубление структурных реформ, процессы модернизации и диверсификации ведущих отраслей экономики Узбекистана, повышение конкурентоспособности на основе внедрения энергосберегающих технологий, снижение энергетических, материальных расходов и ресурсов, расширение использования возобновляемых источников энергии. Особое внимание уделено вопросам формирования “зеленой экономики”, стимулированию развития “зеленого” роста.

Ключевые слова: устойчивое развитие, зеленая экономика, зеленый рост, эко-инновации, новая модель развития, низкоуглеродная экономика, цели устойчивого развития.

Abstract: The article discusses the peculiarities and content of the UN Sustainable Development Concept, deepening structural reforms, modernization and diversification of the leading sectors of Uzbekistan's economy, increasing competitiveness through the introduction of energy-saving technologies, reducing energy, material expenditures and resources, expanding the use of renewable energy sources. Special attention is paid to the formation of a green economy and the promotion of green growth.

Key words: sustainable development, green economy, green growth, eco-innovation, new development model, low-carbon economy, sustainable development goals.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан илгари сурилаган «Барқарор ривожланиш» концепцияси дунё мамлакатларининг асосий мақсадига айланган. XXI асда барча давлатларнинг юқори иқтисодий ўсишга эришиш мақсади барқарор ривожланиш мақсади билан алмашди. Бу, ўз навбатида, жаҳон иқтисодиётнинг барча йўналишлари: қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, молия, энергетика, қурулиш соҳалари барчаси “яшил” тус олиши муҳимлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг” мазмун-моҳияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла ҳамоҳанг эканини таъкидлаб ўтди[1]. “Ҳаракатлар стратегияси”да мўлжалланган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи

тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикландиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш мақсад ва вазифалар белгиланган [2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтириш, ишлаб чиқариш жараёнини экологик назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, экологик аудит ўтказиш тартибини қайта кўриб чиқиб, хусусий аудиторлик фаолиятини жонлантириш муҳим вазифалар сифатида қайд этилди[3].

Ўзбекистон Республикаси 2015 йилдан кейинги даврда БМТ томонидан 2030 йилга-

ча мулжалланган 17 та мақсад ва 169 та вазифалардан иборат барқарор тараққиёт дастурини қўллаб-қувватлаб, барқарор ривожланишни учта соҳалари (иқтисодий, экологик ва ижтимоий) бўйича комплекс ишларни олиб боришини маълум қилди [4].

Барқарор тараққиёт 2030 дастури янги 17 та Барқарор тараққиёт мақсадлари (БТМ) дан, ёки Глобал мақсадлардан иборат бўлиб, кейинги 15 йиллик даврдаги умумжаҳон сиёсати ва сармоялар йўналишларини белгилаб берувчи дастурдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, шунингдек, Париж битими (Париж, 2015 йил 12 декабрь) мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари энергия самарадорлигини ошириш, иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, “яшил” иқтисодиётни қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий механизмларини ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси тасдиқланди [5].

Иқтисодиёт ва жамиятни салбий ўзгаришларга бардош турадиган ҳамда уларнинг оқибатларидан тезда тиклана оладиган барқарор ривожланиш концепциясини, барча турдаги ресурслардан (сув, энергетика ва ва х.к.) самарали фойдаланиш масалаларини биринчи ўринга чиқарди.

Янги ривожланиш моделини шаклланиш жараёнида барқарор ривожланиш парадигмасини эволюцияси «яшил» иқтисодиёт концепциясини яратилишига сабабчи бўлди ва жамият ҳамда иқтисодиёт табиат тизимлари билан бирга ҳам оҳанг тарзда бўлиши қайд этила бошланди [6].

Кейинчалик «Глобал яшил янги курс» концепцияси БМТнинг атроф-муҳит дастури (2009 йил) таклиф этилди [7].

Унинг асосий мазмуни инвестицияларни кам углеродли иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтириш ва рағбарлантиришга, экологик тоза технологияларни жорий этишга ва экологик талабларга жавоб берадиган транспорт воситаларини яратишга ва қўллашга, энергосамарадорликни таъминлашга ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Қарашлар турли хил бўлса-да, барқарор тараққиёт муаммоси икки асосий йўналишда

мавжуд. Биринчи йўналиш – бу умуман жамиятни ривожлантириш мақсадларини белгилаб олиш ва уларга эришишни таъминлайдиган шарт-шароитларни аниқлашдир. Барқарор тараққиётни таъминлаш мақсадлари иерархиясига мувофиқ иқтисодий мақсадлар жамиятни ривожлантириш мақсадларидан қуйида жойлашади, яъни умуман барқарор тараққиётни таъминловчи восита сифатида кўриб чиқилади.

Иккинчи йўналиш – барқарор иқтисодий тараққиётни таъминловчи омилларни ўрганиш: барқарор тараққиёт параметрлари ва омиллари аниқланади, унинг мутаносиблиги, шарт-шароитлари, мақбуллиги мезонлари аниқланади, ўсиш имкониятлари ўрганилади [8].

Барқарор тараққиёт деганда доимий миқдорий ўсиш каби том маънодаги барқарорлик эмас, балки экологик ва ижтимоий хусусиятлар инобатга олинган ҳолда “низо-сиз” ривожланиш назарда тутилади. “Барқарор” маъносини берувчи “Sustainable” сўзини “доимий” эмас, балки “мустаҳкам” ёки “бардавом” деб тушуниш лозим.

Охирги вақтда хорижда инклюзив барқарор ўсиш концепцияси (inclusive sustainable growth) анча машҳур бўлди. Унинг асосий қоидалари, шу жумладан иқтисодиёт ўсиши суръатлари ва кенг доирадаги ижтимоий муаммолар ҳал этилиши ўртасида кучли боғлиқлик мавжудлиги, шу жумладан жамиятда яратилган даромадларни адолатли тақсимлаш, бунда аҳолининг ночор қатламларига алоҳида эътибор қаратиш тўғрисидаги ҳулоса дастлаб XX аср 80-йилларида олимлар томонидан ишлаб чиқилди [9].

“Яшил” иқтисодиёт энергия ва ресурсни тежашга, атмосферага углерод чиқаришни камайтиришга, соф энергиядан фойдаланувчи транспортга, энергиянинг муқобил манбаларига, органик қишлоқ хўжалигига, экодевелопментга (атроф-муҳитга кам таъсир кўрсатган ҳолда қурилишга), илғор логистикага асосланади. Бу ўз навбатида иқтисодиётга табиатга зиён етказмай ривожланиш ва аҳолининг экологик фаровонлигини сақлаш имконини беради, табиий капитални сақлаш ва ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, заҳарли моддалар ва углерод чиқарилишини камайтирдаи, биохилмахилликни кенгайтиради, шунингдек аҳоли даромадлари ва бандлигини оширади. Ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи ресурслардан эҳтиёткор ва оқилона фойдаланиш “яшил

иқтисодиёт”га хос, бунда анъанавий истеъмолга ўрганган жамият масъулият билан истеъмол қилувчи жамиятга айланади. “Яшил иқтисодиёт” модели инсон фаолияти ва табиат ҳамкорлигини нормаллаштиради [10].

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ресурс кўп ишлатадиган иқтисодиётдан тараққиётнинг инновацион моделига ўтиш ҳисобга олинган ҳолда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш кўп жиҳатдан XXI асрда ҳар қандай давлатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беради.

“Яшил иқтисодиёт”дан фарқли равишда XX аср иқтисодиётининг анъанавий модели бўлган “жигар ранг” иқтисодиёт ишлаб чиқаришнинг кўп энергия ишлатувчи ва ресурс сарфловчи моделларига асосланган.

Экологик муаммолар, табиий капиталнинг тугаб битиши, чучук сувнинг, озиқ-овқатнинг, энергиянинг етишмаслиги, қашшоқликнинг кенг қулоч ёзиши “жигар ранг” иқтисодиётнинг асосий салбий оқибатлари ҳисобланади.

Е. Лясковская ва К. Григорьева “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёни технологик ривожланишдан воз кечишни англатадими деган саволга жавоб беришга қаратилган бўлиб “барқарор ривожланиш”, инклюзив ривожланиш”, “яшил” ва “жигар” ранг иқтисодиёт моделлари кўриб чиқишган [11].

Иқтисодиётнинг “жигар” ранг ривожланиш модели XX асрга ҳос бўлган ва энерго-ресурс сифими юқори бўлган анъанавий ишлаб чиқариш назарда тутилган. Унинг асосий салбий оқибатлари экологик муаммоларни кескинлашиши, табиий бойликларни самарасиз ишлатилиши, сув ресурслар, озиқ-овқат ва энергия танқислиги билан боғлиқ деб ҳисобланмоқда [12].

“Яшил иқтисодиёт”ни ривожланишида хизматлар соҳасининг муҳим йўналишларидан бири “экологик” туризмни ривожлантириш катта аҳамиятга эга [13]. Натижада, миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини оширишда имкониятларини кенгайтиради [14].

БМТга аъзо барча 193 давлат томонидан бир овоздан қабул қилинган Барқарор тараққиёт мақсадлари ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Якуний кун тартиби барқарор тараққиётнинг

барча учта хусусиятини – ижтимоий, иқтисодий ва экологик тараққиётни, шунингдек тинчлик ва адолат масалаларини ўз ичига олади.

Ҳужжатда Мақсадларга эришиш учун воситаларни, шу жумладан молиявий ресурсларни мобиллаштириш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва ҳамкорлар ролини мустақкамлаш заруратига урғу берилади.

Юзага келган экологик вазият уларни ҳам миллий, ҳам минтақавий даражаларда комплекс ҳал қилиш механизминини янада такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасида барқарор тараққиёт мақсадлари иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий принциплари ҳисобланади. Бунинг доирасида юзага келаётган бозор механизмлари инновацияга асосланган ҳолда табиатни муҳофаза қилишга оид ва ижтимоий сиёсат билан мақбул тарзда уйғунлашади. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида катта қонунчилик базаси яратилган.

Атрофдаги табиий муҳитни мониторинг қилиш тизимини модернизациялашга устувор аҳамият берилмоқда, бу мавжуд муаммоларни комплекс ҳал қилиш имконини беради. Қаттиқ маиший чиқиндиларни давлат-хусусий шериклик асосида утилизация қилиш ва қайта ишлаш технологияларини жорий этган ҳолда уларни комплекс бошқариш кластерлари яратилган.

Бу кўп жиҳатдан қуйидагилар билан боғлиқ. Ўзбекистоннинг ўзига хос иқлим ва географик хусусиятлари, унинг ноёб экотизимлари ва атроф муҳит, энергия ишлатишга камайтиришга, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда энергия тежовчи технологияларни жорий этишга қаратилган инновацион сиёсат устуворликлари;

энергия самарадорлигини ошириш ва энергиянинг қайта тикланувчи манбаларини ривожлантириш, энергия тежовчи ва кам углерод сарфлайдиган саноатни ривожлантириш, экосоҳани тиклашнинг муҳим лойиҳаларини амалга ошириш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш бўйича миллий сиёсат ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Кўпчилик мамлакатлардаги ҳозирги “жигар ранг” иқтисодиётнинг модели мукамал эмас ва жамият фаровонлиги умумий даражасини оширишда ижобий натижаларга қарамай, бўлажак авлодлар учун анча салбий оқибатлар келтириб чиқаради.

Ҳозирги вақтда самарали, ресурс тежовчи ва экологик ҳавфсиз иқтисодиётни ривожлантириш жаҳон ва миллий иқтисодиётларнинг ажралмас қисмига айланмоқда, бу миллий қонун ҳужжатларига янги ишлаб чиқариш ва табиатни муҳофаза қилиш стандартлари жорий этилишини рағбатлантиради, “яшил иқтисодиёт” асосида барқарор тараққиётга ўтишга ва сифат жиҳатидан янги рақобатбардош муҳитни шакллантиришга кўмаклашади.

“Яшил иқтисодиёт” – бу эртанги кун иқтисодиёти ва айнан у XXI аср иқтисодий тараққиётининг ҳаракатга келтирувчи кучи бўлиши керак. Яшил иқтисодиёт назарияси қуйидаги учта аксиомага асосланади:

- чекланган маконда таъсир соҳасини узлуксиз кенгайтириб бўлмайди;
- ресурслар чекланган шароитда узлуксиз ошиб бораётган эҳтиёжни қондиришни талаб қилиш мумкин эмас;
- Ер юзасида ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ.

Иқтисодий ўсишнинг анъанавий моделдан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш – бу умумжаҳон тренди бўлиб, у нафақат алоҳида миллий иқтисодиётларнинг, балки умуман бутун жаҳон иқтисодиётининг барқарорлигини белгилаб беради, “яшил иқтисодиёт”ни илгари суриш эса тараққиётнинг асосий йўлидир. 2009 йил июнда 34 та мамлакат Яшил иқтисодиёт декларациясини имзолади ва “ҳам инқироздан чиқиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар доирасида, ҳам унинг доирасидан ташқарида яшил ўсиш стратегияларини жорий этиш учун саъй-ҳаракатларни мустақамлашини, “яшил” ва “ўсиш” тушунчалари бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини тан олишини” маълум қилди.

“Яшил” ўсиш иқтисодий ўсиш ва ривожланишни рағбатлантиришни англатади, бунда табиий активлар сақланади ва ресурслар ва экотизим хизматлари узлуксиз тақдим этилади. Бизнинг фаровонлигимиз уларга боғлиқ. Бунинг учун яшил ўсиш барқарор тараққиётни таъминлайдиган ва янги иқтисодий имкониятлар пайдо бўлишига олиб келадиган инвестициялар ва инновацияларни рағбатлантириши ҳамда улардан кенг фойдаланиши керак.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (Атроф-муҳит бўйича дастур – United Nations Environmental Programm – UNEP-ЮНЕП; Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия – ЭСКАТО ва ҳоказолар), Глобал

“яшил” ўсиш институти (Global Green Growth Institute – GGGI) каби халқаро ташкилотлар ва кўплаб бошқа ташкилотлар “Яшил” ўсиш стратегиясини тарғиб қилишда фаол роль ўйнайди.

Бошқача айтганда, халқаро ҳамжамият “яшил иқтисодиёт”га ўтиш йўлларини излашга мажбур. Бундай иқтисодиёт ресурс тежовчи ва экологик зарарсиз ишлаб чиқариш таянган ҳолда инсонлар фаровонлигини оширади ва атроф муҳит учун ҳавф-хатарни камайтиради.

Бироқ “яшил иқтисодиёт” самарадорлигини баҳолашда иштирок этувчи ташкилотлар ва идоралар хилма-хиллиги бир қатор тармоқлар ва устуворликларни ўз ичига олувчи “яшил иқтисодиёт” концепциясини ҳам, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан ишлаб чиқилган “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси ҳам кенг талқин қилинишига олиб келади.

ЮНЕП (UNEP) “яшил иқтисодиёт”ни шундай иқтисодиёт деб таърифлайдики, унда у узоқ муддатли истиқболда инсонлар фаровонлигини яхшилади, ижтимоий тенгсизликни камайтиради ва бўлғуси авлодлар учун экологик ҳавфлар ҳамда тақчилликни жиддий равишда камайтиради.

“Яшил иқтисодиёт” атроф муҳитни, биохилмаҳилликни ва экотизим хизматларни сақлаш, “яшил” иш ўринлари ташкил этиш имкониятини ва қашшоқлик муаммоси ҳал этилишини таъминловчи барқарор тараққиёт масалаларини қамраб олади.

“Яшил” иқтисодий ўсишнинг асосий тўсиқлари, технологик тўсиқларнинг мавжудлиги, инновацион имкониятларнинг пастлиги, инновацион маҳсулотларга бўлган талабнинг етишмаслиги, илмий кашфиётларнинг ва умуман экологик йўналтирилган инновациялардан олинадиган иқтисодий даромадларнинг камлиги бўлиши мумкин.

Юқоридаги тўсиқларни бартараф этиш учун атроф-муҳит сиёсатини амалга ошириш воситаларини тўғри ишлаб чиқиш муҳимдир. Солиқ ва эмиссия рухсатномаларини сотиш каби бозор воситаларининг аниқ устунлиги узоқ вақтлардан буён юқори динамик самарадорликка эга экологик сиёсат воситаси сифатида ўзининг етакчи ролини эгаллаб келади. Уларнинг афзалликлари шундаки, улар харажатларни камайтиришга доимий рағбатлантиради.

Иқтисодиётда “яшил” сектор улушини кўпайтириш учун қуйдаги чора-тадбирларни кўрсатиш мумкин:

– тезлаштирилган амортизация, мулк солиғи ёки даромад солиғини камайтириш каби солиқ имтиёзларини қўллаш, айниқса кичик корхоналарни экологизациялашни амалга ошириш учун давлат молия муассасалари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш ва яшил технологияларга инвестициялар киритиш;

– банклар ва суғурта компаниялари экологик самарадорлиги юқори бўлган компаниялар учун имтиёзли қулай шартнома шартларини тақдим этиши;

– “яшил” бизнес амалиётида корхоналарга ахборотларни тарқатиш ва дастлабки иштирокини таъминлаш учун бевосита субсидиялар ажратиш ва бепул техник ёрдам кўрсатиш.

Самарали экологик сиёсатни ва “яшил” ўсишни комплекс баҳолашнинг асосий босқичлари сифатида қуйдагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

– “яшил” ўсиш экологик самарадорлиги устувор индикаторларини танлаб олиш;

– улар ёрдамида самарадорлик даражасини аниқлаш, бу эса “яшил” ўсиш мақсадларига эришиш йўлида ютуқни кўриш имконини беради;

– мақсадли кўрсаткичларни белгилаб олиш учун самарадорлик кўрсаткичларини таққослаш;

– “яшил” ўсишнинг бош мақсадларини (устувор кўрсаткичларнинг мақсадли қийматларини) аниқлаб олиш.

Узоқ муддатли истиқболда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш моделини тузишда “яшил иқтисодиёт”нинг ажратиш кўрсатилган йўналишлари бўйича (халқаро талабларга мувофиқ) статистика кўрсаткичларини шакллантириш катта аҳамиятга эга.

Узоқ муддатли истиқболда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш моделини мақсадларидан келиб чиқиб иқтисодиётнинг қуйидаги секторлари жорий этилган тақдирда, натижаларга эришиш даражаси билан баҳоланади:

– энергетика (энергосамарадорлик, қайта тикланувчи энергияга қисман ўтиш);

– чиқиндиларни утилизациялаш (антропоген таъсирни камайтириш);

– “яшил” технологиялар (био-, нано-, ахборот-коммуникацион технологиялар);

– экологик соф озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (органик деҳқончилик);

– “яшил” транспорт;

– “яшил” қурилиш;

– тоза сув (сурс ресурсларидан оқилона фойдаланиш), ўрмон ва уни муҳофаза қилиш.

“Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришнинг экологик-иқтисодий индикаторларини таҳлил қилиш ва ҳисоб-китоб қилиш катта аҳамиятга эга. Моделнинг самарадорлиги “яшил иқтисодиёт”га ўтишни таъминлашнинг иқтисодий механизмлари натижадорлигини ҳисобга олган ҳолда уни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик оқибатлари билан изоҳланади.

Моделни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий самараси деганда тадбирлар мажмуини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга натижаси тушунилади. У қуйидагилар билан ифодаланади:

– қурилиш, транспорт соҳасида, қишлоқ хўжалигида экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган инвестиция фаоллигини кучайтириш ҳисобига “яшил” ишлаб чиқариш (экологик тоза технологиялар) ҳажмларини ошириш;

– ишлаб чиқариш энергия сиғимини камайтириш, қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш ва сув ресурсларининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда йўқотилишини камайтириш ҳисобига иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш;

– чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича тадбирлар мажмуини амалга ошириш натижасида салбий антропоген таъсирдан аҳоли ва иқтисодиёт объектларининг ҳимояланганлигини ошириш.

“Яшил иқтисодиёт”ни шакллантириш доирасида глобал экологик ҳавфлар ва замонавий мослаштириш механизмларини шакллантириш, экологик ҳавфларни баҳолаш, табиий ва антропоген таъсирлар натижасида атроф-муҳит сифатини башоратлаш тобора долзарб муаммога айланмоқда.

Ахборот-таҳлилий тизимнинг яратилиши мақсадида атроф-муҳит ифлосланиши туфайли зарарни баҳолаш соҳасида билим тўплаш ва сақлаш, иқтисодий тараққиётнинг салбий экстерналийларини баҳолаш соҳасидаги билимларни таҳлил қилиш, экологик-иқтисодий таҳлил жараёнини рақамлаштириш, атроф-муҳитнинг турли компонентлари ифлосланиши туфайли зарарни комплекс

баҳолаш, салбий экологик таҳдид ва хавфларни мониторинг қилиш, таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш дастурий воситаларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Истиқболда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш моделини қўллаш самарадорлиги иқтисодиётнинг қуйидаги секторларида жорий этилгани билан баҳоланади: энергетика (энергосамарадорлик, қайта тикланувчи энергияга қисман ўтиш); чиқиндиларни утилизациялаш (антропоген таъсирни камайтириш); “яшил” технологиялар (бионано технологиялар, ахборот-коммуникацион технологиялар); экологик соф овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш (органик деҳқончилик); “яшил” транспорт; “яшил” қурилиш; тоза сув (сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш), ўрмон ва уни муҳофаза қилиш.

Ушбу шароитда, биринчидан, катта эътибор “экологик инновация”ларга қаратилиши лозим, яъни ишлаб чиқариш, маҳсулот яратишда илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари, шартлари ва бошқарувида ҳамда бизнес юритиш усулларида атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш ёки ресурслардан оптимал фойдаланишдир.

Иккинчидан, экологик инновациялар Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида туртки ва ушбу вазиятда атроф-муҳит мусоффолигини сақлашда муҳим омил бўлиши мумкин.

Учинчидан, ривожланишнинг янги модели иссиқхона газларини камроқ ажратадиган технологияларни талаб қилаяпти. Бундай аҳволни яхшилаш учун экологик инновациялар натижасида электр энергиясига бўлган талабни муқобил ва қайта тикланувчи энергияларни қўллаш доирасини кенгайтириш, атмосферани зарарловчи турли газларнинг миқдори экоинновациялар ва олиб борилаётган “яшил бизнес” ҳисобига камайтириш катта аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, атроф-муҳитга алоқадор муаммоларни ечишнинг миллий дастури экологик ҳавфсизликни таъминлаш билан биргаликда экологик таҳдидлар юқори бўлган жабҳаларда экотизимнинг комплекс ва локал қайта тикланишини таъминлаш, минтақада экотизим мониторинги ва экологик жараёнлар прогнози самарадорлигини ошириш, минтақадаги мамлакатларнинг минерал ва сув-энергетик ресурслардан фойдаланиш борасидаги манфаатларини таъминловчи ва

тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий базани шакллантиришдан иборат.

Бешинчидан, табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари ҳамда технологияларни татбиқ этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, “яшил” инвестицияларни жалб қилиш ва иқлимий ўзгаришларга мослашиш учун тегишли иқтисодий механизмлар яратиш масалалари бўйича қонунчиликни мукамаллаштириш талаб этилади.

Олтинчидан, экологик ҳавфсизлигини таъминлаш нафақат шу мамлакат ёки ҳудудда яшовчи халқларнинг ҳаётига бевосита алоқадор бўлиб, балки глобал аҳамиятга ҳам эгадир. Минтақада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизациялашда экологик омилнинг эътиборга олинишини кучайтириш, экологик тоза технологиялар, бионано-технологияларни татбиқ этиш, экоинновацияларни қўллаб-қувватлаш, муайян экологик муаммоларни ҳал қилиш борасида жамонат бирлашмалари, нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ривожлантириш устувор вазифалар деб ҳисобланади.

Еттинчидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан биргаликда, бир қатор долзарб масалаларни ҳал этишни назарда тутиш зарур, шу шумладан:

– табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари ҳамда эко-инновацион технологияларни татбиқ этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, “кўк” инвестицияларни жалб қилиш ва иқлим ўзгаришларига мослашиш учун тегишли иқтисодий механизмлар яратиш масалалари бўйича қонунчиликни мукамаллаштириш;

– экологик солиқларни такомиллаштириш ва экологик талабларни ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан харид қилиш ва “яшил” инвестицияларни амалга ошириш воситасида “яшил” (экологик тоза) технологияларни ривожлантириш учун янги молиявий воситаларни жорий этиш;

– атроф-муҳит сифатини тиклаш ёки сақлашга ёрдам берадиган янги иш ўринларини яратишга қаратилган иқтисодий соҳаларни ва корхоналарни қўллаб-қувватлашни таъминлаш ва бошқалар[15].

Барқарор ривожланиш концепциясини амалга ошириш шароитида Ўзбекистоннинг инновацион, экологик мўлжал олган ривожланиш моделининг шакллари ва механизмларини ривожлантириш қуйидагиларга асос-

ланишини талаб қилади: табиатнинг алоҳида элементларини муҳофаза қилишдан умуман экологик тизимларни муҳофаза қилишга ўтиш; инсон яшайдиган муҳитнинг оптимал

параметрларини кафолатлаш; иқтисодиёт соҳаларини “яшил иқтисодиёт” тамойиллари бўйича ривожлантириш механизмлари билан ўзаро алоқаларни уйғунлаштириш.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1063>
2. Rustamovich, S. Z. Specific Aspects of Implications of Foreign Investments on the Integration of the National Economy into the Global Economy. *International Journal of Research*, 6 (3), 2019. 451-458.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. //Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь. № 19 (7521). 1-2 бетлар.
4. Узбекистан поддерживает цели устойчивого развития ООН до 2030 года. <http://www.trend.az/casia/uzbekistan/2438516.html>
5. 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон қарори. //Lex.Uz.
6. Перелет Р. А. Направления стратегии “зеленого роста”. //http://rospromeco.com/expertnoe-mnenie/28-analytic/expertnoe-mnenie/94-mnenie-7
7. Глобальный зеленый новый курс. Доклад, ЮНЕП, 2009 www.unep.org/greeneconomy/portals/30/docs/GGND-policy-brief-Russian.pdf
8. Lyaskovskaya E.A. [Working forces quality problems at realizing modern development concepts]. *Vestnik Bashkirskogo gosudarstvennogo agrarnogo universiteta [Vestnik Bashkir State Agrarian University]*, 2017, no. 4 (44), pp. 137-145. (in Russ.)
9. Pakhomova N.V., Rikhter K.K., Malyshev G.B. Inclusive sustainable development: priorities, indices, international experience, potential of coordination with reindustrialization model. *Problemy sovremennoy ekonomiki [Problems of modern economics]*, 2014, no. 3(51), pp. 15-24. (in Russ.)
10. Navstrechu zelenoy ekonomike. Puti k ustoychivomu razvitiyu i iskoreneniyu bednosti obobshchayushchiy doklad dlya predstaviteley vlastnykh struktur [Towards a Green Economy. Ways to Sustainable Development and Poverty Alleviation Is a General Report for Representatives of Power Structures]. Available at: http://old.ecocongress.info/5_congr/docs/doklad.pdf (accessed: 30.11.2017).
11. Лясковская, Е.А., Григорьева К.А. Формирование «зеленой» экономики и устойчивость развития страны и регионов. // Вестник ЮУрГУ. Серия «Экономика и менеджмент». - 2018. - Т. 12, № 1. - С. 15-22. DOI: 10.14529/em180102.
12. Chapple K. *Defining the Green Economy: A Primer on Green Economic Development* // Berkeley: The Center for Community Innovation (CCI) at UC-Berkeley. - 2008. - P. 66.
13. Худаяров А.А., Пирматов Х.Р. Воздействие туризма на национальную экономику Индонезии //Сборники конференций НИЦ Социосфера. – Vedecko vydavatel'ske centrum Sociosfera-CZ sro, 2014. – №. 39. – С. 262-265.
14. Гулямова Г. П. Формирование конкурентной бизнес среды в Узбекистане //Фундаментальные и прикладные научные исследования: актуальные вопросы, достижения и инновации. – 2017. – С. 66-69.
15. Исаджанов А.А. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг экологик жиҳатлари. Монография. ТДИУ. Илмий тадқиқот маркази. 2020. 137-138 б.

**Шарипов Кувондиқ Бахтиёрович –
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси катта ўқитувчиси**

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИДА ИХТИСОСЛАШУВ ЖАРАЁНИ АМАЛ ҚИЛИШИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада миллий иқтисодиёт ривожланишида ихтисослашув жараёни амал қилишининг назарий асослари, жумладан, меҳнат тақсимоти билан боғлиқлиги, иқтисодиётнинг ривожланишига таъсири, ишлаб чиқариш ихтисослашувининг турли миқёс ёки даражалари, саноат ишлаб чиқаришида ихтисослашув турлари, уларнинг ўзига хос хусусиятли жиҳатлари кўриб чиқилган. Ихтисослашув тушунчасининг мавжуд таърифларини асосий ёндашувлари бўйича тизимлаштириш орқали муаллифлик таърифи шакллантирилган. Ишлаб чиқариш ихтисослашувига таъсир кўрсатувчи омиллар таснифланиб, улар аҳамият даражаси жиҳатидан муайян тартибда тизимлаштирилган. Иқтисодиётда корхонанинг тармоқ жиҳатдан мансублигини аниқлашнинг маъмурий-ташкилий ва маҳсулот белгиларидан фойдаланиш назарий жиҳатдан асосланган.

Таянч иборалар: ихтисослашув, меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш ихтисослашув, саноат ишлаб чиқаришида ихтисослашув, ихтисослашув турлари, ихтисослашув даражалари, буюм (предмет), деталь ва технология бўйича ихтисослашув, тармоқ бўйича ихтисослашув.